

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ИСЛОМОВА ҲАФИЗА АЗАМАТОВНА

**10-11-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА БАДИИЙ АСАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Исломова Ҳафиза Азаматовна

10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш
компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш.... 3

Исломова Ҳафиза Азаматовна

Совершенствование методики развития компетенций анализа
художественного произведения учащихся 10-11-х классов..... 22

Islomova Hafiza Azamatovna

Improving the methodology of developing competencies to analysing literary
books in 10-11 th grade students 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ИСЛОМОВА ҲАФИЗА АЗАМАТОВНА

**10-11-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА БАДИИЙ АСАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Ped2250 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матчанов Сапа
педагогика фанлари доктори, профессор

Суюнов Хуснитдин Милтиқбоевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.P.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ да _____-рақамли реестр баённомаси).

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., доц.

Д.Б.Якубжонова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида ўқувчиларнинг бадиий асарларни таҳлил қилиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Жанубий Корея, Германия, Россия, Хитойда фан ва таълим ютуқларини ўқув материаллари мазмунига сингдириш, адабиёт ўқитиш сифатини ошириш, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, бадиий асарларни таҳлил қилиш, мустақил ишларни ташкиллаштириш, китобхонлик маданиятини шакллантиришга оид йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг илғор таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида мактаб ўқувчиларида фанга оид таянч ва хусусий компетенцияларни ривожлантиришнинг интегратив модели ва методик таъминотини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, юқори синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш воситасида сўз санъатининг туб моҳиятини ўзлаштириш, шахсга йўналтирилган кўнгил тарбиясига оид компетенцияларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди, ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус амалиётга татбиқ этилди ҳамда умумий ўрта таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартлари ва фан ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларда иштирок этишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш”¹ бўйича устувор вазифалар белгиланди. Натижада, адабий таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш ва бадиий асарларни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш, шахсий-касбий савиясини янада ошириш учун тегишли шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 781-сон “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

масалага оид бошқа меъерий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлат ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизмини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқувчиларда бадиий асар таҳлили малакасини шакллантириш, адабий таълим жараёнида мустақил ишларни ташкил этиш Э.Абдувалитов, А.Балтаева, Т.Бобоев, А.Болибеков А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, С.Матчанов, М.Мирқосимова, К.Мавлонова, Р.Ниёзметова, Б.Тўхлиев, О.Усмонова, С.Қамбарова, В.Қодиров, Қ.Хусанбоеваларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Ўрта мактабда адабиёт ўқитиш ва адабий таҳлил муаммолари МДХ олимларидан Ю.О.Богданова, С.А.Зинин, Г.Н.Ионин, М.Г.Качурин, С.А.Леонов, Н.Д.Молдавская, В.Г.Маранцман, И.А.Подругина, Е.Р. Ядровскаяларнинг ишларида ўз аксини топган.

Хорижлик олимлардан С.Hodges, M.Barrs, A.Burns, A.Lipson, Сунь Юй, Ли.Цзинцинлар адабиёт ўқитиш жараёнида ўқувчилар маънавиятини шакллантириш, уларнинг бадиий асарни ўқишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Педагогика ва психологияни ўқитишнинг замонавий методикаси” мавзусидаги устувор илмий йўналиши доирасида бажарилган.(2019-2022й)

Тадқиқотнинг мақсади 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

мактаб адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш имкониятларини халқаро B1 ва B1+ даражасидаги дастурларга мослаштириш;

бадиий асарларни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш модулини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш танланган бўлиб, тажриба-синовда Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 229-, 238-, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 4-, Қашқадарё

вилояти Яккабоғ туманидаги 4-, 31-, 98-, 2-, 17-, 3-, 7-, 58-сон умумий ўрта таълим мактабларининг 899 нафар 10-11-синф ўқувчиси иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини 10-11-синф ўқувчиларининг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида унинг мақсад ва вазифаларига қаратилган кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, умумлаштириш, моделлаштириш, анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперт баҳолаш, математик статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда бадиий асарларни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикаси адабиётлар билан ишлашга ақлий-ижодий ёндашув, адабиёт фанини ўрганишнинг В1 ва В1+ даражасидаги халқаро баҳолаш дастурларини миллий кадриятларга босқичма-босқич мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда бадиий асарларни таҳлил қилиш модели таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантириш босқичларини ижодий, объектив, субъектив ҳамда педагогик омиллар таъсир даражасига миллий ва маданий жиҳатдан мантикий идентив мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш жараёни босқичлари ўқувчиларнинг матн, тасвир кўринишидаги ўқув материалларини, ўқув мотивларини вертикал ва горизонтал алоқаларга субъектив тарзда интерпретация қилиш асосида такомиллаштирилган;

бадиий асарларни таҳлил этиш модули ўқувчиларда шахсий-касбий фазилатларини миллий менталикка хос педагогиканинг тарбиявий имкониятларининг праксиологик талқинини ифода этиш орқали дидактик жараёнларни мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компетенциявий таълим шароитида умумий ўрта таълим мактаби 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган;

ўқувчилар учун фанга оид компетенцияларни таълим жараёнига жорий қилиш бўйича ўқув қўлланма нашр қилинган;

компетенциявий таълим шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК тавсия этган нашрлар ҳамда хорижий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган дарсликлар, қўлланма ва у ҳақидаги тақризлар, олинган натижаларнинг математик статистика методлари ёрдамида қайта ишлангани, хулоса, таклиф ва

тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштиришда мулоқот, мутолаа қилишга ўргатиш, ижодий, коммуникатив ва компетенциявий ёндашувлар, дидактик воситалар узвийлигини таъминлашга оид педагогик муаммоларнинг мақбул ечимлари топилгани билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда баён қилинган ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини такомиллаштиришга оид ғоялар ва тавсиялардан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларида оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш билан боғлиқ семинар тренингларни ташкил этишда таълимий, дидактик манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш методикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўқувчиларда бадиий асарларни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикаси адабиётлар билан ишлашга ақлий-ижодий ёндашув, адабиёт фанини ўрганишнинг В1 ва В1+ даражасидаги халқаро баҳолаш дастурлари миллий кадриятларга мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда амалда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 августдаги 02-07-2177/04-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантиришнинг фалсафий-эстетик, психологик-педагогик имкониятларини таҳлил этиш имкони оширилган;

адабиёт дарсларида 10-11-синф ўқувчилари билан бадиий асарни таҳлил қилиш моделини ўқувчилар ўртасида бадиий ўқувчиларда бадиий асарларни таҳлил қилиш модели таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантириш босқичларини ижодий, объектив, субъектив ҳамда педагогик омиллар таъсир даражасига миллий ва маданий жиҳатдан идентив мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 августдаги 02-07-2177/04-сон маълумотномаси). Натижада, бадиий асарларни ўрганишда таҳлил усулларида фойдаланишнинг методик жиҳатларини такомиллаштиришга эришилган;

ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш жараёни босқичлари ўқувчиларнинг матн, тасвир кўринишидаги ўқув материалларини, ўқув мотивларини вертикал ва горизонтал

алоқаларга субъектив интерпретация қилиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 августдаги 02-07-2177/04-сон маълумотномаси) Натижада, ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш имконияти кенгайтирилган;

бадиий асарларни таҳлил этиш модули ўқувчиларда шахсий-касбий фазилатларини миллий менталикка хос педагогиканинг тарбиявий имкониятларининг праксиологик талқинини ифода этиш орқали дидактик жараёнларни мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан ОТ-Ф1-118 рақамли “Бўлажак ўқитувчиларнинг замонавий ахборот компетентлигини ривожлантириш тамойилларини тадқиқ этиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 августдаги 02-07-2177/04-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп қилиш учун тавсия этилган нашрларда 3 та мақола (1 таси хорижий журналда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, умумий хулоса, тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, апробацияси, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Умумтаълим мактаби 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси” тушунчасининг ёритилиши, 10-11-синф ўқувчиларида ушбу компетенцияларни ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатдан зарурлиги асослаб берилган. Таълимда компетенциявий ёндашув, “компетенция”

тушунчасининг мазмун-моҳияти, илмий жиҳатдан асосланиши; ижтимоий ва педагогик зарурият сифатида бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, амалиётдаги ҳолати таҳлилидан келиб чиқиб ёритиб берилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт фанини ўқитишга белгиланган ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш ҳолати ўрганилди, ушбу компетенцияларни ривожлантиришда Давлат таълим стандартларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди.

Умумий ўрта таълимнинг малака талаблари умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига, ўқув юкламалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, 10-11-синф ўқувчилари учун адабиёт фанини ўрганишнинг умумий даражаси учун **V1** ва кучайтирилган умумий даражаси учун **V1+** даража талаблари белгиланган. Шунингдек, “Адабиёт” фани бўйича умумий ўрта таълими муассасалари (барча таълим олиш тиллари бўйича) 10-11-синф ўқувчиларига белгиланган малака талабларни ҳосил қилиш юзасидан илмий-амалий жиҳатга эга ишлаб чиқилган босқичларнинг мазмуни баён қилинган.

Ўқувчиларда бадий асар таҳлили малакасини ривожлантириш, мустақил ишларни ташкил этиш масалалари Э.Абдувалитов, А.Балтаева, Т.Бобоев, А.Болибеков, А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, С.Матчанов, М.Мирқосимова, К.Мавлонова, Р.Ниёзметова, Б.Тўхлиев, О.Усмонова, С.Қамбарова, В.Қодиров, Қ.Хусанбоевалар томонидан тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлар таҳлилининг кўрсатишича, бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш ўқувчилар фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг бадий ривожланиш даражасини белгилаб беради. Таълим жараёни субъектларининг ўқув фаолиятида бадий асар билан мунтазам ишлаш қобилиятини ўстириш бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни талаб этади. Бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясининг таърифи сифатида умумий ўрта таълимнинг ДТС га кўра, ўқувчиларда бадий ижод намуналари (настрий, шеърий, драматик асар)ни ифодали ўқиш, уларнинг ижтимоий ҳамда бадий-эстетик мазмун-моҳиятини тушуниш, англаш ва идрок этиш, бадий асар сюжетига акс этган нутқ типларини, тасвир, мулоҳазаларни ўзгаларга тушунтириб бериш, тасвирланган воқеа-ҳодисалар, образлар тизимига муносабат билдириш, шахс нуқтаи назарида адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда тўғри ва тушунарли сўзлаш, ўз фикрини тингловчига етказиш, халқ мақоллари, маталлари, афоризмлардан оғзаки нутқда ўринли фойдаланиш, турли жанр ва ҳажмдаги 12-14 та шеърий матн ёки унинг парчасини ёддан ифодали ва таъсирли айтиш лаёқатини ривожлантириш бўйича турли дидактик тамойиллар, вертикал ва горизонтал алоқаларга субъектив тарзда интерпретация қилиш омиллари, бадий асарни таҳлил қилишда мантикий идентив мослаштириш, миллий қадрият ва миллий менталликни уйғунлаштириш ҳамда тарбиявий имкониятларнинг праксиологик талқинининг мазмуни ёритилган.

Ривожланган жамиятнинг асосий талаби ўзлаштирилган бадий асар миқдори билан эмас, балки ўзлаштирилган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни тегишли соҳалар ва ҳаётий фаолият давомида қўллай олиш даражаси билан изоҳланади. Демак, таълимда эришилган самарадорлик билан бирга, ўқувчиларнинг ўзлаштирилган билимларини фаол ҳаётий позицияни эгаллаш учун фойдалана олиши билан белгиланади. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларни ўзлаштирилган ўқув материалларини ўқув, нутқий ва ҳаётий фаолият турларининг стандарт ва ностандарт вазиятларида қўллай олишга тайёрлаши билан характерланади.

10-11-синфда компетенциявий таълим шароитида бадий таҳлил малакаларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Бадий асар устида ишлаш ўқувчиларнинг бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш ўқитувчининг ўқув-услугий фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири саналади. 10-11-синф ўқувчиларида бадий таҳлил масаласи замонавий методик адабиётларда тил, луғат бойлиги ва нутқ маданиятини такомиллаштиришдаги ёндашувларни белгилаб олишни талаб қилади.

Бугунги кунда ўқув фаолияти мазмунига ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакалар билан бирга компетенцияларни ҳам эгаллаши киритилган. Шунинг учун асосий эътибор умумтаълим мактаби битирувчиларининг эгаллаган билим, кўникма, малакаларини ўз фаолиятида қўллай олиш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши керак. Компетенциявий таълимни жорий этиш умумтаълим мактаблари ўқувчиларни муайян муаммоларни ҳал қилиш учун билимлар мажмуини қўллашга ўргатиш имконини беради. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг кўплаб илмий тадқиқотлари компетентлик муаммосига бағишланган. Таълимда компетенциявий ёндашувни назарий тушуниш, педагогик доираларда “компетентлик” ва “компетенция” тушунчаларини аниқлаш муаммоси бўйича баҳслар кўп. Умумтаълимда ўқувчилар компетенциялари шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган реал воқеликнинг муайян объектларига нисбатан билим, кўникма, малака ва тажрибалар мажмуи ҳамда “компетентлик”, яъни тегишли малакага эга бўлиш, унга шахсий муносабати ва фаолиятидир. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизда компетентликни билим, кўникма, қобилият, тажриба, шахсий йўналиш мажмуи сифатида тушунамиз. Таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш таълим олувчиларнинг ҳаётий фаолият учун зарур бўлган тайёргарлик даражасини аниқлаш, таълим сифатининг жаҳон таълим стандартлари билан рақобатбардошлигини таъминлаш ва халқаро тадқиқотлар натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш имконини беради. 10-11-синф адабиёт фанини ўзлаштириш даражасининг халқаро баҳолаш дастурларига уйғунлигини аниқлаш, ўқувчиларнинг бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясининг ривожланганлик даражаси динамикасини тадқиқ қилиш бўйича таҳлилий изланишлар олиб борилди.

10-11-синф ўқувчиларида бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини такомиллаштиришнинг ўқув-методик таъминоти ва ташкилий тузилмалари билан

боғлиқ ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги кўринди. Компетентлик инсоннинг маълум компетенцияни эгаллаши даражасини ифодалайди. Компетентлик остида мос компетенцияларнинг мавжудлиги ва фаол ҳолатини тушунамиз, уларга кўра инсон маълум муаммоларни амалий ҳал этади ҳамда буни келажакда амалга ошира олади.

Таълимда компетентли ёндашувни амалга ошириш таълим фаолиятининг бевосита натижаси фанга оид умумий компетенцияларни ривожлантириш ишлари аҳамиятли эканлиги баён қилинган.

Диссертациянинг **“10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш мазмуни, сюжет ва композициянинг ўзаро мутаносиблиги ва тизимли ёндашув, “Бадиий асар қаҳрамонлари таҳлили устида ишлаш методи”, “Бадиий асар матн устида ишлаш методи”, “Шеъринг матн устида ишлаш методи”, “Ўқувчи – бадиий асар – адабий таҳлил – субъектив муносабат – креатив фикрлаш – ўқитувчи ҳамкорлиги” тизимида ўзаро фикрлаш технологияси асосида такомиллаштириш баён қилинган.

Бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантиришнинг асосий вазибалари:

ўқувчи шахсининг фикрловчи, ўйловчи, тингловчи, хулоса чиқарувчи таълим жараёнини тиришқоқ изланувчи субъектига айлантириш;

бадиий асар инсон ҳаётининг турли қирраларини ўзида акс эттирган ҳаётини воқеа-ҳодисаларни ғоявий мазмунида сингдирган, бадиийлик, инсонийлик хусусиятини мужассамлаштирган объектдир;

китоб мутолаасига қизиқиш, мустақил, таҳлилий, танқидий, ижодий, рефлексив, креатив фикрлаш, оғзаки ва ёзма нутқий саводхонлигини ўстирувчи босқичли ва тизимли жараёндир;

фикрини образли ифодалаш, бадиий нутқ малакаларини эгаллаш, бадиий асар персонажларининг ички кечинмалари ва ҳис-туйғуларига шахсий муносабат билдириш;

ўқитувчи ўқувчиларнинг бадиий асар таҳлили устида ишлаш жараёнини бошқарувчи, хато ва камчиликларини тўғрилашга ундовчи, кўмаклашувчи субъектдир. (1-расмга қarang)

Мазкур топшириқларга аниқ ва ижодий фикрлаб жавоб берган ўқувчилар ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади.

Шу билан бирга, ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича ва ўқув методик таъминотни таъминлаш динамикаси ёритилган.

Маълумки, 10-11-синфда ўрганиладиган ўқув фанлари таълимнинг қуйи босқичларида ўрганилган мавзуларни мустақамлашни назарда тутди. Адабий таълимда ўқув материалларининг асосий манбаси бу – дарслиқдир. Дарслиқ мазмунини такомиллаштириш фан бўйича муаммонинг қўйилиши ҳамда ечимини ҳал қилишда мавзулар мазмуни, ҳажмини белгилаш асосида амалга оширилди.



1-расм

Бадиий асарни таҳлил қилишга оид топшириқлар

Бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантиришга оид дарсликларда бериладиган ўқув материалларининг мазмуни ва ҳажмини ўқувчиларнинг адабиёт фанидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш; 10-11-синф ўқувчилари хотираларининг кўргазмали-образли характеридан келиб чиқиб, ўқув материалларининг тасвирий ифодаланиши; назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш мақсадида ўқув материаллари асосида амалий кўникмалар ҳосил қилиш; ўқув материалларини тайёрлашда турли давр адабиётидан фойдаланилганига (интеграция, мантиқий идентив мослаштириш ҳамда вертикал ва горизонтал алоқаларга субъектив интерпретация қилиш имкониятини беришига) аҳамият қаратилди.

Ўқувчиларнинг ҳаётий фаолияти давомида моддий борлиқдаги предметлар, атрофдаги воқеа-ҳодисалар, ўз хатти-ҳаракатлари, ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги бадиий асарларни доимий таҳлил қилиши, уни баҳолаб бориш асосида эслаб қолиши, англаш асосида қўллаш олиши, ўрганилаётган бадиий асар аҳамиятини тушунишда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун адабиёт дарсларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш жараёнини мустақил ҳаётий фаолиятлар давомида ижодий ёндашув (бадиий асарларни таҳлил қилиш, синтез қилиш, баҳо бериш асосида эслаб қолиш ҳамда тушуниш асосида қўллаш) бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Адабиёт ўқитишда ўқувчиларга ўқув материаллини мукамал ўзлаштиришнинг юқори даражасини етказиб беришда, бадиий асар таҳлили ва синтезида уларнинг ифодали ва мустақил мутолаа қилиш натижасида асарнинг сюжет унсурлари ҳамда композициянинг ички компонентларини англаб коммуникатив, субъектив, креатив муносабат билдириш кўникмаларини ривожлантириш мезонлари ёритилган.

Шу нуқтаи назардан тизимли ёндашув асосида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар:

бадиий асар билан самарали ишлашни ташкил қилиш (турли жанрдаги асарлар билан ишлашда уларни ўзаро таққослаш);

бадиий асарларни таҳлилий-синтетик қайта ишлашни амалга оширишда асар ғояларини бир-бири билан боғлаш (муҳокама) ёки (тасвирлаш) га доир топшириқлар;

турли жанрдаги бадиий асарларга ижодий ёндашган ҳолда таҳлил ва талқин қилишни ўргатишга доир топшириқлар;

адабиёт дарсларида турли давр адабиётлар устида ишлаш жараёнида бадиий асар моҳиятини тушуниш асосида изоҳлаб бериш ҳамда интерпретация қилишга оид топшириқлар ва 10-11-синф ўқувчиларининг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган ташкилий – тузилмавий модел “Мақсадли”, “Назарий-методологик”, “Мазмунли-процессуал” ва “Натижали-баҳолаш” таркибий компонентларидан иборат бўлиб, мақсад, ёндашувлар, тамойиллар, босқичлар каби элементларни ўз ичига олади. Моделда эришиладиган натижа ва бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясининг ривожланганлигини белгиловчи вазифа, мақсад, тамойиллар, самарали натижа ҳамда баҳолаш даражасининг тартибланишган кўриниши ўз аксини топган (2-расмга қаранг).

Ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш жараёнини самарали ташкил этиш учун танланган ёндашувлар, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга оид имкониятлар билан боғлиқ. 10-11-синф ўқувчиларининг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг модели ўрганилаётган жараённинг таянч компонентларини ва унинг самарали амал қилишини таъминлайдиган педагогик таълим мажмуини ҳамда бадиий тафаккур қилиш қобилиятини ўстирувчи турли шакл ва кўринишда методик қўлланмаларни ўқув дастур асосида ишлаб чиқиши лозим.

Шунингдек, 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларининг ривожланганлик даражасини идрок қилиш воситаси сифатида фойдаланилганлигини таъкидлаш лозим. Ўқитувчи топшириқларни танлашни мустақил равишда ва 10-11-синф ўқувчилари билан ҳамкорликда амалга оширади. Бунда ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантиришга йўналтирилган амалий ва ижодий топшириқлар ҳамда луғат билан ишлаш талабларига риоя этилади. Машғулотларда фойдаланиладиган топшириқлар: қизиқарли бўлиши (мазмун, сюжет ва композицияси, таҳлил усули бўйича кўзланган натижага эришиш кутилмаганлиги); таҳлил қилишнинг мураккаблик даражаси юзасидан дифференциал хусусиятларни аниқлашга оид топшириқларни бажариш билан бирга, муайян жавобга эга бўлиши; тарбиявий, амалий аҳамиятга эга бўлган ва фанлараро алоқадор мазмунни акс эттириши; содда, тушунарли, ўқувчиларининг кўпчилиги томонидан осон амалга ошириладиган бўлиши керак.



2-расм.

10-11-синф ўқувчиларининг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш модели

10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш шахсга

йўналтарилган, компетенциявий, интегратив, тизимли-фаолиятли ёндашувлар ва мослашувчанлик, амалиёт билан боғлиқлик, табиийликка асосланиш, шунингдек, тадқиқотда илгари сурилган ғояларни амалиётга жорий қилиш мотивацион, когнитив, креатив ва жараёнли босқичларда амалга оширилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Ўқувчиларнинг бадий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш технологияси босқичлари

Босқич	Мазмуни	Амалга ошириладиган ишлар
Мотивацион	Ўқувчиларнинг бадий асарларни ўқишга бўлган интилиш ва кизиқувчанлик қобилиятини ривожлантириш	Таълим жараёнини зарур ўқув адабиётлари билан таъминлаш, ўқув материалларини ўзлаштиришнинг ўқув ва ҳаётий фаолиятдаги аҳамиятини тушунтириш асосида ўқувчиларнинг қизиқиш ҳамда эҳтиёжини ривожлантириш, тақдим этиладиган ўқув материаллари мазмунини таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги натижаларининг таҳлиллари асосида такомиллаштириш.
Когнитив	Ўқувчиларнинг бадий асар билан ишлай олиши учун ўқув-бадий материали ва манбаларни билим эгаллаш сифатида ўзлаштириши	Ўқувчиларнинг адабиёт фани ўқув материаллари ўзлаштиришлари учун назарий билимлар ва зарур таянч тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англаш асосида тушунтириши, интерпретация қила олишига эришиш, рақобатбардош ва мослашувини таъминлаш.
Креатив	Ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари билан ишлаш давомида ижодий ёндашувини ривожлантириш	Ўзлаштирилган ўқув материалларини тегишли фан соҳалари бўйича стандарт ва ностандарт вазиятларда фойдаланиши учун вазиятларни баҳолай олиш, керакли фаразларни илгари суришда ўқувчиларнинг бадий асарлар билан ишлаш жараёнида ижодий ёндашувни юзага келтирувчи омилларни такомиллаштириш.
Жараёнли	Ўқувчиларнинг ҳаётий ва ўқув фаолияти давомида билим кўникма, малакаларини ҳосил қилиш ҳамда уларда бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини праксиологик таққинини таҳлил қила олиши	Ўқувчиларнинг ривожланган жамият талаблари бўйича ҳаётий ва ўқув фаолиятлари давомида компетенцияларини қўллай олиш жараёнида фаоллигини таъминлаш, ўз фаолиятларини баҳолай олиш ҳамда қўллай олишга, нутқий кўникмаларини амалиётга татбиқ қилишга ўргатиш.

Тадқиқотда ўқувчиларнинг мақсадлари кесишувига кўра, ўқув фаолиятида индивидуал ёки гуруҳ бўлиб фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида, таълим жараёнини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этишнинг самарали методик таъминоти ўқитувчининг бадий асар билан таъминлаш функцияси (бадий асарни кенг таҳлил қилиш мақсадида гуруҳлар ўртасидаги шахсий ҳаракатчанлигини, ўзаро боғлиқ бошқа гуруҳларнинг интерактивлигини ва иштирокчиларнинг ўзаро (вертикал ва горизонтал) алоқаларини, иштирокчилар фаолиятининг хусусияти бўйича коммуникатив фикр алмашилиш муҳитини ташкиллаштириши ва ривожлантириши)га урғу бериш асосида ўрганилди.

Ўқувчиларда бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантиришдаги мотивацион, когнитив, креатив ва жараёнли технологиясининг босқичлари уларнинг бадий-эстетик қарашларини ривожлантиришга хизмат қилади.

10-11-синф ўқувчиларида бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга қаратилган ўқув жараёнида қўлланиладиган методларнинг коммуникативлиги, мазмундорлиги ва таълим оловчиларда ўқув мотивларини уйғотишига аҳамият қаратилди. Қўлланган методларда илгари сурилаётган фикрларни умумлаштириш, атамалар, тушунчалар ва воқеаларнинг бир-бири билан боғлиқлигини англаб олишга ўргатувчи метод сифатида фойдаланилди. Қўлланилган методлар муаммоли вазиятни таълим оловчилар томонидан индивидуал ва гуруҳнинг умумлашган кучи билан таҳлил қилиш, муаммонинг ечимларини излаш, мақбул ечимни тақдим этиш, танлаб олинган ечимнинг самарадорлигини баҳолашга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши ва натижалари**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили ва самарадорлиги ҳақида фикр юритилган.

Умумтаълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг фанга оид компетенцияларни такомиллаштириш муаяйн бир тизимга, кетма-кетлик ва бошқариш хусусиятига эга жараён. Шу боис тадқиқот режаларини амалга оширишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 4-, 31-, 98-, 42-, 17-, 3-, 7-, 58-, 35; Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 229-, 238-; Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 5-сон умумий ўрта таълим мактабининг 10-11-синфларида олиб борилди ҳамда самарадорлик кўрсаткичлари “юқори”, “ўрта”, “паст” даражалар бўйича баҳоланди.

Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба синфларидаги натижаларнинг самарали экани аниқланди.

10-11-синф ўқувчиларининг оғзаки жавоблари, фикрлаш даражаси ва бадий асар таҳлилига оид компетенцияларини ўрганиш мақсадида амалга оширилган кузатишлар тадқиқотда адабий асарларни ўрганиш учун тавсия қилинган методлар самарадорлигини кўрсатди.

Тадқиқот юзасидан тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда 3 босқичда ташкил қилинди ва ўтказилди.

Биринчи – изланувчи-таъкидловчи босқичда 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантиришга доир психологик-педагогик, методик адабиётлар ўрганилиб таҳлил қилинди. 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш ҳолати таҳлил қилинди ҳамда уни таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти ўрганилди. 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш илмий-методик-ташкилий муаммо эканлиги кўрсатилди.

2-жадвал.

Тажриба-синовда иштирок этган респондентларнинг сони ва тақсимланиши


Мақтаблар	Қашқадарё вилояти Яққабоб туманидаги 4-, 31-, 98-, 17-, 58-, 42-, 7-, 35-, 3-мақтаблар		Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 5-мақтаб		Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 229-, 238-мақтаблар		Жами	
	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
10-синф	112	108	58	56	60	58	230	222
11-синф	109	110	55	57	57	59	221	226
Жами	221	218	113	113	117	117	451	448

Тадқиқотнинг изланувчан босқичида компетенциявий таълим шароитида 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш асосида ташкил этиш ва ўтказиш учун сўровнома ишлаб чиқилди. Сўровнома умумий ўрта таълимнинг 10-11-синф адабиёт ўқитувчилари билан ўтказилди.

Тадқиқотнинг иккинчи – шакллантирувчи тажриба-синов босқичида 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини шакллантириш бўйича ташкил этиладиган дарслар мазмуни технолигияси, тамойиллари, босқичлари, методлари ишлаб чиқилди.

Учинчи – якуний босқичда тадқиқотнинг тажриба-синов натижалари умумлаштирилиб, танқидий таҳлил қилиниб, тадқиқот мақсади ва илмий фаразнинг ҳамда ишлаб чиқилган методикаларнинг асосланганликлари ўқув жараёнида ишлаб чиқилган илмий-методик ишланмалар асосида текширилиб кўрилди.


Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси қуйидагича кўринишга эга бўлди (3-расмга қаранг).



3-расм.Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси

Диаграммадан кўринадики, тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилиб, Хи квадратнинг эмпирик қиймати критик қийматдан катта, танланма дисперсиялар асосида олинган ишонч оралиқлари бир-бири билан устма-уст тушмайди, бу якуний босқичдаги текширув натижасида олинган натижаларнинг тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан самарадор эканидан далолат беради

Тадқиқот ишида самарадорликни аниқлашнинг таклиф этилаётган мезонлари диаграммаси кўйидагича кўриниш олди (4-расм).



4-расм.Самарадорликни аниқлашнинг таклиф этилаётган мезонлари диаграммаси

Диаграмма маълумотларидан кўринадикки, когнитив мезонлар асосида тажриба гуруҳи сифатида танланган 10-синф ўқувчилари ўзлаштириш самарадорлиги 1.14 баравар (14%), 11-синф ўқувчилари ўзлаштириш самарадорлиги 1.15 баравар (15%), иккала синф бўйича ўртача 1,14 баравар (14%); жараёнли мезонлар асосида тажриба гуруҳи сифатида танланган 10-синф ўқувчилари ўзлаштириш самарадорлиги 1.15 баравар (15%), 11-синф ўқувчилари ўзлаштириш самарадорлиги 1.16 баравар (16%), иккала синф бўйича ўртача 1,15 баравар (15%); интегратив-шахсий мезонлар асосида тажриба гуруҳи сифатида танланган 10-синф ўқувчилари ўзлаштириш 1.16 баравар (16%), 11-синф ўқувчилари ўзлаштириш самарадорлиги 1.17 баравар (17%), иккала синф бўйича ўртача 1,16 баравар (16%) ошган. Бу эса тажриба- синов ишлари самарадорлиги ҳақида хулосага келиш имконини беради.

УМУМИЙ ХУЛОСА

10-11-синф ўқувчиларида бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. 10-11-синф ўқувчиларининг бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш муаммосини ўрганиш ва ишлаб чиқилганлиги даражасини аниқлаш мазкур муаммо адабий таълим назарияси ва амалиётида долзарб муаммолардан бири эканини кўрсатди. Бу 10-11-синф ўқувчиларининг таълимда натижаларга эришишига йўналтирилган, шунингдек, таълим жараёнида 10-11-синф ўқувчиларининг ўқитувчи ва синфдошлари билан диалог, ҳамкорликларига асосланган инновацион ёндашувларни қўллашни кўзда тутадиган адабий таълимдаги ўқитиш стратегияларининг ўзгариши билан боғлиқ. Компетенциявий фаолиятнинг педагогик имкониятлари 10-11-синф ўқувчиларида адабиёт фанига оид умумий компетенцияларни шакллантиришга самарали таъсирни таъминлаши аниқланган.

2. 10-11-синф ўқувчиларининг бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш механизми таълимнинг белгиланган талаблари ва 10-11-синф ўқувчиларининг мазкур талабларни бажариш ва мураккаб масалаларни ҳал этиш имкониятлари ўртасидаги диалектик зиддиятларни ҳал этишга асосланади. 10-11-синф ўқувчиларининг бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини шакллантириш жараёнини лойиҳаланган модел асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

3. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим муҳитида адабиёт фанини ўқитишнинг дидактик имкониятлари ўқувчиларни бадий асар таҳлили фаолиятига йўналтириш асосида такомиллаштирилди. Ўқув фаолияти давомида бадий асар мазмунини тушуниш ва функциясини праксиологик талқинини таҳлил қилишга ўргатиш асосида ўқувчиларнинг бадий асарларнинг дидактик, ғоявий-бадий мазмунини ўқув ва ҳаётий фаолиятда самарали ҳамда ўринли қўллай олиш имконияти кенгайтирилган.

4. Ўқув материали сифатида бадий асарларни ҳажми ва мазмунига кўра танлаш ва тизимлаштиришга оид компетенциявий ёндашувлар, амалий

кўникмаларни ҳосил қилиш асосида 10-11-синф адабиёт дарсларида ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш такомиллаштирилган.

5. 10-11-синф ўқувчиларининг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларини амалиётда мантиқий идентив мослаштиришга йўналтириш, горизонтал ва вертикал алоқаларга субъектив муносабат билдириш кўникмалари аниқланган.

6. Тадқиқот натижалари асосида фанни ўқитиш юзасидан тайёрланган ўқув-услубий қўлланмалар, дарс машғулоти лойиҳалари умумий ўрта таълим мактабларида “Адабиёт” фанини ўқитиш сифатини оширади. Умумий ўрта таълим 10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни татбиқ этиш натижасида таълим жараёни самарадорлигини 1,16% га ошгани математик статистика методлари ёрдамида аниқланди.

ТАВСИЯЛАР

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синфлари учун Адабиёт фанидан ўқув дастурлари ва дарсликларини яратишда уларнинг мазмунига таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотлар натижалари асосида фан ютуқларини сингдириш бўйича татбиқий жиҳатларини ўзлаштириш ва адаптив вариантларни ишлаб чиқиш зарур.

10-11-синф ўқувчиларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини такомиллаштиришда фойдаланиладиган ўқув материалларининг мазмунини амалий мазмун билан тўлдириш асосида ўқувчиларнинг нутқий ва лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қиладиган омилларни юқори даражага етказиш лозим.

Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияларни ривожлантиришда тизимли ёндашувни татбиқ қилиш учун тегишли тавсиялар, илмий-амалий ёндашувлар ишлаб чиқилиши ва методик таъминотни кенгайтириш керак.

Адабиёт дарсларида бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантириш методикасини халқаро ўқитиш методларидан фойдаланиб, муайян даражада ўзгартириш лозим.

Адабиёт дарслари жараёнида турли инновацион ёндашувларидан фойдаланиш зарур.

10-11-синф ўқувчиларининг мустақил, мантиқий, креатив, танқидий, рефлексив фикрлаш хусусиятини ўстириш ва уларнинг мустақил фаолиятида бадиий асарни ўқиб мулоҳаза қилиш, муносабат билдириш, мушоҳада қилиш кўникмаларини янада такомиллаштириш керак.

Ўқувчиларни қатъий позициясига эга бўлган рақобатбардош шахс сифатида ва турли нутқий вазиятларга субъектив муносабат билдира оладиган шахсга хос тарзда сўзлаш ва эшитиш маданиятини англаган ҳолда йўналтиришлар бериш лозим.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.01.2020. Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ
УЗБЕКИСТАНА**

ИСЛОМОВА ХАФИЗА АЗАМАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ КОМПЕТЕНЦИЙ
АНАЛИЗА ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ УЧАЩИХСЯ
10-11-Х КЛАССОВ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (узбекская литература)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за №B2021.3.PhD/Ped2250.

Диссертация выполнена в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана.

Автореферат диссертации доктора на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZIYONET» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Матчанов Сапа**
доктор педагогических наук, профессор

Суюнов Хуснитдин Милтиқбоевич
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 года в __ часов на заседании Научного совета DSs.27.06.2021.Ped.26.01. при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu.kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №__). Адрес: адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2022 года).

Н.А.Муслимов
Председатель разового Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.пед.н., профессор

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь разового Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.пед.н. доцент

Д.Б.Якубджанова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.пед.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой системе образования в образовательный процесс внедряются креативные технологии совершенствования компетенций учащихся по анализу художественных произведений. В Южной Корее, Германии, России, Китае ведутся системные работы по внедрению в содержание учебного материала достижений науки и образования, повышению качества преподавания литературы, обеспечению непрерывности и повышению эффективности образования, анализу литературных произведений, организации самостоятельных работ, внедрению в практику крупных проектов по формированию культуры чтения.

В ведущих образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся научные исследования по созданию интегративной модели и методического обеспечения развития предметных базовых и частных компетенций у учащихся школ. В частности, особое значение придается научным исследованиям по овладению подлинного смысла искусства слова, совершенствованию компетенций по личностно-ориентированному душевному воспитанию у старшеклассников посредством анализа художественного произведения.

В последние годы в нашей республике была утверждена Концепция развития системы народного образования до 2030 года, в практику были внедрены пять инициатив, включающих комплекс мер, направленных на создание дополнительных условий для образования и воспитания молодежи, также создаются нормативные основы участия в международных исследованиях по оценке качества образования, разработке государственных образовательных стандартов и научных учебных программ общего среднего образования, основанных на компетентностном подходе. Определены приоритетные задачи по “непрерывному повышению качества и уровня профессионального мастерства педагогических кадров”. В результате в процессе литературного образования были созданы соответствующие условия для самостоятельного обучения и развития компетенций анализа литературных произведений учащихся, дальнейшего повышения их личностно-профессионального уровня.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №781 «Об утверждении Национальной программы развития и поддержки культуры чтения на

2020-2025 годы» от 14 декабря 2020 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в рамках приоритетного направления науки и технологий Республики I. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Вопросы формирования у учащихся навыков анализа литературных произведений, организации самостоятельных работ в процессе литературного образования освещены в научно-исследовательских работах Э.Абдувалитова, А.Балтаевой, Т.Бобоева, А.Болибекова, А.Зуннунова, К.Юлдашева, С.Матчанова, М.Миркасымовой, К.Мавлонова, Р.Ниёзметовой, Б.Тухлиева, О.Усмановой, С.Камбаровой, В.Кадырова, К.Хусанбаевой.

Проблемы преподавания литературы в средней школе и литературного анализа нашли свое отражение в работах ученых стран СНГ Ю.О.Богдановой, С.А.Зинина, Г.Н.Ионина, М.Г.Качурина, С.А.Леонова, Н.Д.Молдавской, В.Г.Маранцмана, И.А.Подругиной, Е.Р. Ядровской.

Из зарубежных ученых, вопросы формирования духовности учащихся в процессе преподавания литературы, развития у них интереса к чтению художественного произведения исследовали С.Hodgec, M.Barrs, A.Burns, A.Lipson, Сунь Юй, Ли Цзинцзин.

